

## ONLINE-МАКТАВЛАР ҚАЧОНДАН БОШЛАНИШИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Жорий йил 14 сентябрдан бошлаб Республика умумтаълим мактабларида 2020/2021 ўқув йили бошланади. Бунда таълим шаклини онлайн тарзда танлаган ҳамда мактабининг фаолияти ҳали тикланмаган ўқувчилар белгиланган дарс жадвали асосида ўқув дастурини ўзлаштириб боришлари мумкин, дея [хабар бермоқда](#) Халқ таълим вазирлиги.

Телевизион дарслар жорий йилнинг 14 сентябридан бошлаб Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг З та телеканалида душанбадан шанбагача ҳар куни соат 8:30 дан бошлаб Online-maktab туркумида намойиш этиб борилади.

Online-maktab дарслари “UzDigital TV” тармоғида қуидаги телеканалар орқали эфирга узатилади:

1-4 синф ўқувчилари учун — National Geographic

5-8 синф ўқувчилари учун — Eurosport

9-11 синф ўқувчилари учун — Охота и рыбалка.

Кабель телевидениеси ва IP ТВ тармоқларида:

1-4 синф ўқувчилари учун — National Geographic

5-8 синф ўқувчилари учун — “ТВЦ”

9-11 синф ўқувчилари учун — “Fashion TV”.

Дарсларни параллель равища қуидаги интернет ресурслар орқали кузатиб бориш мумкин:

<https://t.me/uzeduonlinemaktab>; [mover.uz/channel/uzedu](https://mover.uz/channel/uzedu); Youtube канали; [Kundalik.com](http://Kundalik.com) ҳамда онлайн мактаб электрон портали орқали.

Шунингдек дарслар Mediabay.uz, Mover.uz сайtlariiga ҳамда ижтимоий тармоқдаги телеграмм каналларига ҳам жойлаштирилади.

Online-maktab телевизион дарслари Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда ZO'R TV билан ҳамкорликда тасвирга олинмоқда.

Дарсларни тасвирга олиш учун А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва Республика ташхис марказида жами 6 та студия ташкил этилди.

Телевизион дарсларни тасвирга олишга жами давлат ва нодавлат таълим муассасаларидан жами 117 нафар тажрибали ва малакали педагоглар, 12 нафар сурдо-таржимон ва 15 нафар мұхаррирлар жалб қилинди.

---

2020-09-12 21:25:46